SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

# O'ZBEKISTON OVOZI

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 29-APREL ■ SESHANBA ■ 53 (27.073) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

## Фавқулодда вазиятларга қарши ҳаракат бўйича халқаро «ФАРҒОНА – 2003» машқларининг қатнашчиларига

Ҳурматли машқ қатнашчилари,

Сизларни — табиий офат ва ҳалокатларга қарши ҳаракат Евро-Атлантика маркази ҳамда БМТнинг Инсонпарварлик фаолиятини мувофиқлаштириш идораси вакилларини, Фарғона водийсида тўпланган «Фарғона-2003» машқларининг барча қатнашчиларини чин қалбимдан самимий қутлайман.

Аҳоли ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш, тинчлик даврида фавқулодда вазиятлар юзага келганда унинг оқибатларини бартараф этиш бўйича шу қадар кенг кўламли машқларнинг Марказий Осиё минтақасида биринчи бўлиб Ўзбекистонда ўтказилиши «Тинчлик йўлидаги ҳамкорлик» Дастурида иштирок этаётган мамлакатларнинг самарали алоқалари мустаҳкамланиб бораётганидан яққол далолат беради.

Ўзбекистон Республикаси ҳам, мазкур машқларда вакиллари иштирок этаётган бошқа мамлакатлар каби, фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва уларнинг оқибатларини бартараф этиш борасида махсус бўлинмаларнинг тайёргарлигига алоҳида эътибор бермоқда. Кейинги йилларда ва жорий йилда табиий ҳамда техноген офат ва ҳалокатлар сони ортиб бораётгани боис аҳолини ҳимоя қилиш муаммоларини биргаликда, куч-ғайратларни мувофиқлаштирган ҳолда ҳал этиш зарурлигига барчамиз қайта ва қайта ишонч ҳосил қилмоқдамиз.

Ҳозирги ўтказилаётган машқларни бугунги кунда жаҳон ҳамжамияти, шу жумладан НАТО ва СЕАП доирасида давлатлар томонидан амалга оширилаётган ва минтақавий ҳамда жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифаларини ҳал этиш чоғида кучларни бирлаштиришга қаратилган саъй-ҳаракатларнинг мантиқий давомидир, десак ҳар томонлама тўғри бўлади.

Шу маънода, аҳолининг ҳаёти ва соғлиғини сақлаш мақсадидаги қидирув операциялари ҳамда инсонпарварлик миссияларини тайёрлаш ва амалга ошириш муҳим аҳамият касб этади.

Пухта режа ва ҳамкорлик асосида олиб бориладиган бундай юксак даража ва миқёсдаги машқлар, шак-шубҳасиз, барча иштирокчиларга ўз билим ва кўникмаларини амалда синовдан ўтказиш, янада такомиллаштириш, зарур тажриба орттириш, сайёрамизнинг турли бурчакларида юзага келаётган ҳалокатларга қарши зудлик билан чора кўриш имконини берувчи бир хил ёндашув ва механизмларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

Ҳурматли машқ қатнашчилари, сизларга аҳолини табиий офат ва ҳалокатлардан ҳимоя қилиш ҳамда қутқариш борасида ўз олдингизга қўйган олижаноб мақсадларга эришишда муваффақиятли ва самарали ишлашингизни чин юракдан тилайман.

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## Рустам Қосимжонов иккинчи ўринни эгаллади

Ҳиндистоннинг Мумбай шаҳрида Британия ҳамдўстлиги мамлакатларининг халқаро шахмат мусобақалари ниҳоясига етди. Маҳараштра шахмат ассоциацияси ҳамда Умумҳиндистон шахмат ассоциацияси кўмагида Венус шахмат академияси томонидан ташкил этилган ушбу мусобақаларда жаҳоннинг турли мамлакатларидан ташриф буюрган 138 нафар шахмат устаси иштирок этди. 27 апрель якшанба куни қарийб бир ҳафта давом этган мазкур мусобақаларнинг ҳал қилувчи якуний беллашувлари бўлиб ўтди.

Айниқса, эркаклар ўртасидаги финал учрашувлари жуда ҳаяжонли кечди. Вьетнамлик шахмат устаси Нгуен Анҳ Дунг ва унинг ҳиндистонлик рақиби Дибуенду Баруа ўртасида бўлиб ўтган сўнгги ўнинчи давра беллашувлари дуранг натижа билан якунланди. Шу тариқа Нгуен Анҳ Дунг 8,5 очко билан мазкур халқаро мусобақа ғолиблигини қўлга киритди.

Алоҳида таъкидлаш жоизки, ушбу учрашувларда иқтидорли гроссмейстер Рустам Қосимжонов ҳамда Ш.Сафин, М.Жумаев каби ўзбекистонлик шахмат усталари ҳам муваффақиятли иштирок этдилар. Финал учрашувларида Рустам Қосимжонов ва ҳиндистонлик таниқли шахмат устаси Пендиала Ҳарикришна ўртасида бўлиб ўтган баҳсларда ҳам томонларнинг кучлари тенг келди. Бу дуранг натижа эса ҳамюртимиз Рустам Қосимжоновга 7,5 очко билан фахрли иккинчи ўринни эгаллашни таъминлаб берди.

**Шуҳрат УМИРОВ,**
**«Жаҳон» АА.**

● БАРКАМОЛ АВЛОД ОРЗУСИ



## Ҳунар — инсон зийнати

Фарзандларимизни илмли, ҳунарли қилиб вояга етказиш халқимизга хос фазилат. Қадимдан ҳунарли кишилар улуғланиб келинган. Мамлакатимиз шаҳар ва туманларида барпо этилган касб-ҳунар коллежлари ёшларимизга замонавий касбларни эгаллаш имконини бермоқда.

Поп маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида бугунги кунда 450 нафар талаба таҳсил олмоқда. Уларга «Умумовқатланиш кичик технологи», «Радиотелемеханик», «Котиба-референт», «Тикувчи ва ишлаб чиқариш устаси», «Бухгалтер ва сотувчи-хазиначи» йўналишлари бўйича 40 дан ортиқ муаллим ва педагог-технологлар тарбия беришмоқда.

Коллежда касб-ҳунар сирларини ўрганишга интилаётганлар учун барча шароит мавжуд. Фан хоналари компьютерлар, кўргазмали қуроллар, қисқаси, замонавий ўқув-техника воситалари билан тўлиқ жиҳозланган. Бой китоб фондига эга бўлган кутубхона ҳамиша билимга чанқоқ ёшлар билан гавжум. Спорт тўгараклари мунтазам ишлаб турибди. Билим маскани талабалари ўртасида спорт мусобақалари ғолиблари, республика олимпиадалари иштирокчилари бор.

Барча қулайликларга эга ётоқхона, спорт, мажлис заллари талабалар хизматида.

Ҳунарли ёшлар ҳаётимиз зийнати. Эртанги кунимиз фаровонлиги, мамлакатимиз фахридир.

**Фаррух ҲАМРОЕВ**

Суратларда: бир гуруҳ аълочи талабалар; коллежнинг умумий кўриниши.



*Турғунбек МАҲКАМОВ олган суратлар*

## ЮНИСЕФ делегацияси Самарқандда

БМТ қошидаги ЮНИСЕФ халқаро Болалар жамғармасининг ижрочи директори ўринбосари Карин Шам Пу хоним бошчилигидаги делегация Самарқандга ташриф буюрди.

— Ўзбекистонда илк бор бўлишим, — дейди Шам Пу хоним. — Ташрифдан асосий мақсад Ўзбекистондаги болалар ҳаёти ва бу борада қилинаётган ишлар билан яқиндан танишиш, мамлакатингизда фаолият кўрсатаётган ЮНИСЕФ бўлимлари билан алоқани мустаҳкамлаш, асосийси эса келгусида қилинадиган ишларни режалаштиришдан иборат.

Меҳмонлар Самарқанднинг диққатга сазовор жойларини кўздан кечириб, бой маданий меросимиз билан яқиндан танишдилар.

**Шуҳрат ҚАРШИЕВ**

## «ФАРҒОНА — 2003»: қутқарувчилар машқлари бошланди

**ФАРҒОНА, 28 апрель. (ЎзА мухбири Расулжон КАМОЛОВ).** Фарғона вилоятида фавқулодда вазиятларга қарши ҳаракат бўйича халқаро «Фарғона-2003» машқлари бошланди.

Шу муносабат билан Фарғона туманидаги Водил қишлоғи стадионида бўлиб ўтган тантанали маросимни Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.Юнусов очди.

Президент Ислом Каримовнинг фавқулодда вазиятларга қарши ҳаракат бўйича халқаро «Фарғона-2003» машқлари қатнашчиларига йўллаган табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси А.Азизов ўқиб эшиттирди.

НАТОнинг «Тинчлик йўлида ҳамкорлик» дастурига асосан ўтказилаётган мазкур машқларда Ўзбекистон, АҚШ, Германия, Эстония, Арманистон, Грузия, Қозоғистон ҳамда Қирғизистондан келган бир юз йигирмадан кўпроқ қутқарувчининг ҳамкорликдаги ҳаракатлари тинчлик даврида юз бериши мумкин бўлган зилзила, сув тошқини, сел оқибатида юзага келадиган фавқулодда вазиятларни бартараф этишга қаратилади. Уч кун давом этадиган машқларда 28 мамлакатдан келган кузатувчи ва халқаро ташкилот вакиллари иштирок этмоқда.

Халқаро машқлар иштирокчилари ва кузатувчилари махсус белгиланган беш зонада аҳолини эвакуация қилиш, ишлаб чиқариш ҳудудларида ишчиларни қутқариш бўйича орттирган малакаларини амалиётда қўллаш, тажриба алмашиш юзасидан ўзаро ҳамкорлик қилади.

Тантанали маросимда табиий офат ва ҳалокатларга қарши ҳаракат Евро-Атлантика маркази раҳбари Стивен Орш сўзга чиқди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси фавқулодда вазиятлар вазири Б.Субанов, Фарғона вилояти ҳокими А.Отабоев иштирок этди.

● ХДП ҲАЁТИ

**Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси XI сессиясидаги маърузасида Ўзбекистоннинг олий органи — икки палатали парламентнинг тузилиши, таркиби, фаолият юритиш асослари ҳақида сўз юритар экан, бу демократик жараёнларда сиёсий партияларнинг ўрни, таъсири ва аҳамиятини тубдан кучайтириш зарурлигини яна бир бор уқтириб ўтди.**

**Бинобарин, фуқароларда ижтимоий ва сиёсий жиҳатдан ўзлигини англаш туйғусини кучайтиришда сиёсий партияларнинг жойлардаги депутатлик гуруҳлари ишини фаоллаштириш алоҳида аҳамият касб этади. Халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги Ўзбекистон ХДП депутатлик гуруҳи ҳам ана шу жараёнларда бевосита иштирок этиб, қатор ижобий ишларни амалга оширмоқда. Бу ҳақда ХДП Чирчиқ шаҳар кенгаши биринчи котиби, халқ депутатлари Чирчиқ шаҳар Кенгашидаги партия депутатлар гуруҳи раиси Дониёр АЗИЗХЎЖАЕВ ҳикоя қилади.**

## Тадбирлар самараси амалиётда кўринади

— Юртбошимиз Ислом Каримов ўзларининг қатор чиқишларида мамлакатимиздаги мавжуд сиёсий партиялар тўғрисида танқидий фикрлар билдирдилар. Мазкур фикрлар партиямиз ташкилотларига ўз фаолиятларини жонлантиришлари учун жиддий туртки берди, десак хато бўлмайди.

ХДП Марказий Кенгашининг яқинда бўлиб ўтган V пленумида партияни заиф ва мўрт ҳолатдан чиқариш, уни том маънодаги парламент партиясига айлантириш масалалари чуқур таҳлил қилиниб, тегишли вазифалар белгилаб олинди.

Партия фаолиятининг асосий йўналиши, унинг дастурий мақсадларини рўёбга чиқариш учун курашишдан иборат. Бу эса, амалдаги қонунларга мувофиқ, партиядан парламентга ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идораларига сайланган депутатлар, уларни бирлаштирувчи фракция ва депутатлик гуруҳлари орқали амалга оширилиши керак.

Шаҳримиздан бир киши Олий Мажлисга, икки киши Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгашига, 14 киши Чирчиқ шаҳар Кенгашига ХДПдан сайланган. Чирчиқ шаҳар партия кенгаши, уларнинг депутатлик фаолиятларига кўмаклашиш мақсадида, «Депутатлар клуби»ни ташкил этиб, қатор йиллар давомида унинг ишини йўналтириб келмоқда.

Энди, баъзи амалий ишларимиз тўғрисида айтиб ўтсам. Ҳозир шаҳарда ХДПдан сайланган депутатларнинг 15 та қабулхонаси ишлаб турибди. Қабулхоналар манзиллари ва сайловчиларни қабул қилиш жадвали «Чирчиқ» газетасида ўзбек ва рус тилларида эълон қилинди. 2002 йил давомида депутатларимиз томонидан 506 нафар фуқаро қабул қилинди. Фуқаролардан тушган 965 та таклиф ва истаклардан 799 таси ижобий ҳал этилди.

Ўтган давр мобайнида ХДПдан сайланган депутатларнинг мурожаатлари Чирчиқ шаҳар ҳокимлиги томонидан қўллаб-қувватланганлиги ҳамда уларнинг ўз саъй-ҳаракатлари натижасида шаҳарнинг қатор маҳаллаларида ободонлаштириш ишлари бажарилди, нон дўконлари очилди, Бўзсув канали устидаги пиёдалар учун кўприк, 7-мактаб, Саноат касб-ҳунар коллежининг иссиқлик узатиш тизими таъмирланди, 100 дан зиёд киши иш билан таъминланди.

Халқ депутатлари шаҳар Кенгаши сессиялари арафасида ҳамда заруратга қараб, партия депутатлик гуруҳи мажлислари ўтказилади. Мажлисларда сессиялар кун тартибига киритилаётган масалалар, улар бўйича гуруҳнинг аниқ нуқтаи назари, сўзга чиқувчилар ва киритиладиган таклифлар белгилаб олинади. Мисол учун, халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг IV сессияси муҳокамасига шаҳар аҳолисига коммунал хизмат кўрсатиш тизимини ислоҳ қилиш бўйича масала киритилиб, тегишли қарор қабул қилинишига эришилди. Шаҳар Кенгашининг шу йил январь ойида ўтказилган XIII сессияси олдидан ўтган депутатлар гуруҳи мажлисида бюджет ва солиқлар бўйича депутатлар доимий комиссияси раисининг маърузаси муҳокама қилинди. Жумладан, 2002 йилда шаҳар бюджетига маблағларнинг белгиланган даражада тушмаганлиги, бюджетнинг харажат қисмидаги бир неча йўналишларда маблағлар тўлиқ сарфланмасдан қолганлиги сабаблари таҳлил қилиниб, бу масалалар юзасидан қатор таклифлар киритилди.

Депутатлик гуруҳи аҳолининг турмуш шароитларини яхшилашга оид муаммоларнинг ҳал қилинишида ҳокимлик, корхона, ташкилотлар раҳбарларига сўровлар билан чиқиш ҳуқуқидан ҳам самарали фойдаланмоқда. Жумладан, партия гуруҳи ва алоҳида депутатлар номидан шаҳар давлат солиқ инспекциясига турли корхоналарни рўйхатдан ўтказишга индентификация рақамларини бериш муддатларини қайта кўриб чиқиш, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатасининг шаҳар бўлимига тадбиркорларга патент ва лицензияларни бериш муддатларини қисқартириш, халқ таълими, соғлиқни сақлаш ва маданият соҳаларини маҳаллий бюджетдан молиялаштиришни яхшилаш, мактаб ва болалар боғчаларини таъмирлаш бўйича сўров ва мурожаатлар билан чиқилди.

«Депутатлар клуби» аъзолари аҳолини ижтимоий ҳимоялаш ишларида фаол қатнашмоқдалар. Олий Мажлис депутати Ҳамидулла Назаров 2002 йил давомида 120 нафар сайловчини қабул қилган, улар томонидан кўтарилган масалаларнинг ижобий ҳал қилинишига, маҳаллаларни ободонлаштиришга, шаҳар мусиқа мактабининг бир неча истеъдодли ўқувчиларининг рағбатлантирилишида амалий ёрдам берган. Халқ депутатлари Тошкент вилоят Кенгаши депутати Шавкат Йўлдошев ҳам мактабларга, маҳаллаларда болалар спортини ривожлантиришга ўз хусусий фирмаси ҳисобидан 4 миллион сўмлик ёрдам кўрсатди.

Партиядан сайланган депутатлар ва ХДП шаҳар кенгаши ўртасида яқин ҳамкорлик ўрнатилган. Шаҳар партия кенгашида ўтказиладиган йиғилишларда ва бошланғич партия ташкилотлари мажлисларида депутатларнинг ўз фаолиятлари юзасидан ахборотлари мунтазам эшитиб борилаяпти. Аҳоли ўртасида ўтказилаётган учрашувларда, фуқароларнинг ижтимоий муаммолари муҳокамаси билан бир қаторда, юртдошларимизнинг сиёсий билимлари ва ҳуқуқий маданиятини оширишга, мамлакатимизда рўй бераётган муҳим воқеалардан хабардор қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Айниқса, Олий Мажлис ва давлат ҳокимияти маҳаллий вакиллик идоралари сессияларида қабул қилинган қонунлар ва қарорлар, республикамизда бошланган парламент ислоҳоти — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг юқори палатаси Сенат ва қуйи, яъни Қонунчилик палаталарининг мазмун-моҳиятини аҳолига тушунтиришни бугунги энг долзарб вазифаларимиздан деб биламан. Бунинг учун энг аввало, партия ҳар бир етакчисининг ўзи бу ўзгаришлар моҳиятини чуқур англаб олмоғи зарур.

**Беҳзод ШУКУРОВ ва Ҳусниддин БЕРДИЕВ ёзиб олдилар**

## Тошкент меҳмонларни кутиб олишга шайланмоқда



4-5 май кунлари пойтахтимизда Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар кенгашининг XII йиллик мажлиси бўлиб ўтади. Айни чоғда у билан баробарида Бизнес-форум ўтказилиши боис ўша кунлари Тошкент жаҳоннинг молиявий марказига айланади. Ҳозир ана шу йирик ва нуфузли тадбирга қизғин ҳозирлик кўрилмоқда. Буни пойтахтимиздаги меҳмонхоналарнинг барчаси таъмирланиб, хизматга шай бўлаётганлигидан ҳам кўриш мумкин.



Марказдаги «Тошкент» меҳмонхонаси таъмирлаш ишларидан сўнг ўзгача ҳусн касб этди. Жаҳон андозаларига мос 260 номерга мўлжалланган тўрт юлдузли меҳмонхонада ресторан ва барлар, фитнес-маркази, сув ҳавзаси ва дўконлар мавжуд. Меҳмонхона «Le Meridien Tashkent Palace Hotel» номини олди.

1 май куни «Гранд Мир» тўрт юлдузли меҳмонхона ўз эшикларини очади. Тошкентнинг қоқ марказидаги ушбу меҳмонхона илгари «Россия» деб юритиларди. «Grand Mir Hotel» етти қаватдан иборат бўлиб, унда 126 номер ва 3 та ресторан мавжуд. У беш юлдузли андозаларга жавоб беради. Айтиш мумкинки, меҳмонхонада ҳам шарқ ранг-баранглиги, ҳам ғарб қулайлиги яратилган.

Шаҳар марказидаги «Дўстлик» меҳмонхонасини таъмирлаш ва ундан фойдаланиш учун «Ипак йўли — Туризм Инвест» қўшма корхонаси тузилди. Туркиянинг «АПЕАС» компанияси барча ишлар пудратчисидир. Меҳмонхона мажмуида таъмирлаш ишлари билан бир қаторда хизмат кўрсатувчи ходимлар танланди ва улар ўқитилди. Тўрт юлдузли 206 номерга мўлжалланган меҳмонхона «Hotel Dedeman Silk Road Tashkent» номини олди. Унда ресторан, барлар, спорт-соғломлаштириш маркази ва бошқа барча қулайликлар муҳайё.

Амир Темур кўчасидаги пойтахт «Бизнес мажмуи» ва «Тошкент-Лэнд» яқинида эса янги бир меҳмонхона пайдо бўлди. «Radisson SAS Hotel Tashkent» номини олган ушбу меҳмонхона 115 номердан иборат. 80 ўринга мўлжалланган «Босфор» ресторани Ўрта денгиз ва Туркия таомларини тақдим этади. Амалий учрашувлар ва музокаралар учун заллар, саломатлик маркази ҳам мавжуд.

Кўриниб турибдики, Европа Тикланиш ва Тараққиёт Банки Бошқарувчилар Кенгашининг йиллик мажлиси қатнашчилари учун пойтахт меҳмонхоналари жаҳон андозалари даражасида хизмат кўрсатишга тайёрланмоқда.

**Алишер РЎЗИЕВ**





Суратларда: Тошкент меҳмонхоналарининг бугунги жамоли

**Шавкат АКРАМОВ олган суратлар**

# Кўлам кенгаяди

Маълумки, авваллари Халқ банки фақатгина аҳолига жамғарма муомалаларини кўрсатиш билан машғул бўлиб, хўжалик субъектларини кредитлаш тажрибасига эга бўлмаган. Кўрилган чоралар натижасида банк депозитига қабул қилинган маблағларни даромад келтирувчи кредит қўйилмаларига йўналтириш имконияти пайдо бўлди.

Ўтган давр давомида аҳоли қўлидаги бўш пул маблағларини жалб этиш бўйича молиявий бозордаги етакчи мавқега эришиш мақсадида, «Сармоя-плюс», «Фахрий», «Тадбиркор», «Тантана», «Ташаккур», «Нуроний», «Тома-тома кўл бўлур...», «Кексаларга иззат-ҳурмат ва ғамхўрлик» ва «Ассалом, янги йил», «Ассалом, Наврўз» каби омонат турлари муомалага чиқарилди.

Иқтисодиётнинг реал секторини кредитлаш шакллари ва ўлчамларини кенгайтиришга йўналтирилган банк кредит сиёсати оптимал даражада мукаммаллаштирилди. Хўжалик юритувчи субъектларни, шунингдек, жисмоний шахсларни кредитлаш тартибини аниқлаб берувчи оддийлаштирилган ички меъёрий ҳужжатлар ишлаб чиқилди.

Қисқа вақт ичида банк кредит қўйилмалари қарийб 2 бараварга ортди. Жумладан, кредит қўйилмалари 13,8 миллиард сўмни ташкил қилиб, 500 миллион сўми эса банклараро кредит бозоридаги қўйилмаларга жойлаштирилди.

Ўтган давр мобайнида мижозлар талаб ва эҳтиёжини ўрганиш ишлари жонлантирилиши натижасида «Тўёна», «Комфорт», «Таҳсил», «Талаба», «Автокредит» ва «Автолизинг» каби кредитлар берилиши амалиётга кенг жорий қилинди.

Президент Фармонлари ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларини тўлақонли бажариш мақсадида ҳамда хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, кичик ва ўрта бизнес соҳасини кредитлаш ишларини ривожлантириш борасида банкимиз томонидан олиб борилаётган кредит сиёсати яхши йўлга қўйилганлиги мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларга ўзимизнинг сезиларли ҳиссамизни қўшиб келаётганлигимиздан далолат.

Халқаро молия институтлари билан ўзаро ҳамкорликни ривожлантириш борасида ҳам фаол ишлар олиб борилмоқда. Чет эл банкларида мухбирлик рақамларини очиш ва юритишнинг марказлашган сиёсатини олиб бориш ҳамда барча филиалларда ҳисоб-китоблар тезлигининг ягона стандартига ўтиш мақсадида «SWIFT» халқаро ҳисоб-китоблар тизимига уланиш ишлари охирига етказилди.

Йирик хорижий банклар (ЖП Морган Чейз Банки — АҚШ, Коммерцбанк, Берлинер банк — Германия, Кредитсвисс банк — Швейцария) билан мухбирлик алоқалари ўрнатилган. Банк ривожланишида амалий ёрдам олишга имкон берувчи Халқаро жамғарма банклари институти ва Германия жамғарма кассалари иттифоқи билан ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилди.

Дастурни бажаришда ҳозир кенг кўламда қўлланилаётган электрон пластик карточкалар тизимини татбиқ қилиш ва кенгайтириш мақсадида Халқ банки «Ўзмиллийбанк», «Асака» банк, «Пахта банк», «Ўзпромстройбанк» ва «Ўзуйжойжамғарма» банклари билан бирга пластик карточкалар бўйича банклараро клирингга ҳам аъзо бўлди.

Истиқболда банк олдида турган муҳим вазифалардан бири — мижозларга хизмат кўрсатиш маданиятини янада ўстириш муҳим аҳамиятга эга эканлиги инобатга олиниб, ходимларни қайта тайёрлашга алоҳида эътибор қаратилди. Банкнинг марказий аппаратида доимий фаолият кўрсатувчи Ўқув маркази ташкил этилиб, унда ҳозирга қадар 2848 нафар мутахассис замонавий банк иши бўйича ва 347 нафар мутахассис Минтақалараро банк ўқув марказида ўз малакаларини оширдилар.

Келгусида банк мавқеини янада ошириш мақсадида омонатчиларнинг ҳисоб рақами қаерда жойлашганлигидан қатъи назар, мамлакатимизнинг исталган нуқтасига уларни кўчирилишини таъминловчи ва омонатчиларнинг ҳисоб рақами бўйича амалга ошириладиган операцияларни тўлиқ автоматлаштиришни кўзлаб турибмиз. Инвестицион жараёнларда республика аҳолиси иштирокини кучайтириш учун аҳолига янгидан-янги жозибали омонат турларини жорий қилиш ва қисқа ҳамда узоқ муддатли қимматли қоғозларни муомалага чиқаришни ҳам режалаштирдик. Мўлжалимизда жалб қилинган ресурсларни асосан қишлоқ жойлардаги тадбиркорлик фаолиятини ривожлантиришга йўналтирилишини янада кенгайтириш республика аҳолисининг истеъмол кредитларига бўлган талабини қондириш учун янги истеъмол кредитлари турларини жорий этиш каби ишлар ҳам турибди. Ниятимиз — мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча турдаги хўжалик субъектлари ва тадбиркорларнинг кредит ресурсларидан фойдаланиш имкониятларини кенгайтирувчи механизмларни такомиллаштиришдир.

Булар шубҳасиз, янги иш жойлари ташкил этилишига, аҳолини иш билан таъминлаш даражасини оширишга, ялпи маҳсулотни кўпайтиришга, ички бозорни товарлар ва хизматлар билан тўлдиришга ҳамда импорт маҳсулотлар салмоғини камайтиришга олиб боради. Бош мақсадимиз — Халқ банкини ҳар бир фуқаронинг «Оила банки»га айлантириш.

**Дилбархон УСЛЯМОВА,**
**Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки казначейлик директори.**

● ШАХСИЙ МУЛОҲАЗА

# Билиш бошқа, шарҳлаш бошқа

Халқаро мавзуда ёзадиган журналистларни тайёрлаш ва тарбиялаш кўпдан бери мунозара бўлиб келаётган долзарб масала. Иккита олий ўқув юртида иккита факультет ишлаб турибди, семинарлар ўтказиляпти, ўқиш, ўрганиш ва тажриба орттириш учун хорижга йўлланмалар бериляпти. Бироқ эътиборни тортадиган халқаро шарҳлар ҳамда ҳозиржавоб халқаро шарҳловчилар ҳамон жуда кам. Оммавий ахборот воситалари кўпинча Интернет хабарларини айнан бериш билан чегараланиб қўя қолишади. Жаҳонда бўлаётган воқеа-ҳодисаларга муносабат билдириш, фикр баён этиш, уларни таҳлил қилиш ва хулоса чиқариш йўқ. Бирорта манбадан маълумот олиб, уни шундайлигича бериш шарҳга кирмайди.

Ҳозир номлари матбуотда танилиб қолган беш-олти нафар шарҳловчини эътиборга олмаганда, оммавий ахборот воситаларида шарҳ билан мунтазам чиқиб турган журналистлар жуда кам. Ваҳоланки, халқаро мавзуда ёзадиган журналистлар тайёрлаш масаласига ўн йилдан кўпроқ вақтдан бери жиддий эътибор бериб келинмоқда. Нима, эътибор эътиборлигича, гап гаплигича қолиб кетаверадими?! Йўқ, албатта. Масалага янада жиддийроқ ва чуқурроқ ёндашиб, бунинг сабабларини аниқлаш ва амалий чоралар кўриш вақти келди. Шу масалада мен ўзимнинг баъзи бир фикрларимни баён қилмоқчиман.

Аввало, олий ўқув юртларида халқаро журналистикага шу соҳага қизиқадиган, сиёсий фикрлаш қобилиятига эга бўлган, жаҳонда бўлаётган турли воқеа-ҳодисаларнинг моҳиятини англаб етадиган, сиёсатнинг нозик жиҳатларини бироз бўлса-да, тушунадиган, мамлакатимизнинг ташқи сиёсатини қандайдир даражада идрок этадиган истеъдодли ёшларни танлашга эътиборни янада кучайтирмоқ зарур. Бу танлов шу соҳанинг малакали мутахассислари томонидан тестдан ташқари ҳолда амалга оширилиши мумкин. Агар танланган номзоднинг матбуотда босилган ёзма ишлари — халқаро мавзудаги шарҳлари ёки воқеа-ҳодисаларга муносабат тариқасида билдирган фикрлари бўлса яна ҳам яхши.

Ана энди бу ёғига, яъни бўлғуси халқаро шарҳловчиларга шу соҳанинг билимдон мутахассислари ҳамда шу мавзуда ёза оладиган малакали журналистлар дарс беришлари зарур.

Акс ҳолда талаба ўз устозига ўхшаб умрида халқаро шарҳ ёзмаган, бироқ назарияни ёдлаб олган халқаро журналист бўлиб етишиб чиқади. Хўш, ундан газета, радио ёки телевидение қандай наф кўради?! Ҳеч қандай. Турли манбалардан олинган маълумотларни ҳамда таржима қилинган материалларни айнан бериб қўя қолади: шарҳлаш, муносабат билдириш, фикр баён қилиш йўқ.

Бир журналистни биламан. Оммавий ахборот воситаларидан бирида ишлаш билан бирга олий ўқув юртида бўлғуси халқаро журналистларга дарс беради. У шогирдлари билимдон эканликлари, халқаро майдонда юз бераётган воқеа-ҳодисаларни яхши билишликлари, жумладан, Ироқдаги вазиятни қизиқиб кузатиб боришаётгани, энг муҳими, инглиз тилини ўзлаштириб олишгани, ана шулар ҳақиқий халқаро шарҳловчилар бўлиб етишишлари мумкинлиги ҳақида гапиришни яхши кўради. Бироқ ундан: «Шогирдларингиз газеталарда шарҳлар билан қатнашиб турищадими ёки ўз маҳоратларини чархлаш учун шарҳлар ёзиб сизга кўрсатиб туришадими?» деб сўрасангиз жавоб бера олмайди.

Билиш бошқа, шарҳ ёзиш бошқа. Дунёдаги воқеа-ҳодисаларни, умуман, халқаро ҳаётни журналистлардан кўра кўпроқ ва яхшироқ биладиган одамлар жуда кўп. Журналистнинг улардан фарқи шундаки, у билиб ва тушуниб қўя қолмасдан ўша воқеа-ҳодисани шарҳлайди. Бу анча мураккаб, мулоҳаза-мушоҳада, сиёсий етуклик талаб қиладиган иш. Бунга бўлғуси халқаро журналистларни йўналтириб туриш керак. Уларнинг нафақат билимдонлик даражаларига, балки шарҳ ёзишдаги маҳорат мезонларига ҳам эътибор бериш зарур. Яхшиси, уларга аниқ мавзулар бўйича топшириқлар бериб, ёзилган шарҳларни таҳрир ва таҳлил қилиш, йўналиш бериш, яхши деб топилган шарҳларни эса матбуотга тавсия этиш тажрибасини қўллаш зарур. Шундагина, биринчидан, ким нимага қодирлиги аниқланади, иккинчидан, бўлғуси халқаро журналист рағбат олади. Бунинг учун, аввало, дарс ўтаётган устознинг ўзи шарҳ ёзишда ибрат кўрсатиши керак. Акс ҳолда у шогирдлари олдида мулзам бўлиб қолиши ҳеч гап эмас.

Ҳозир газеталарда халқаро мавзу кенг ёритиляпти. Бу яхши, албатта. Бироқ аксарият газеталарда бир хиллик мавжуд: ё ЎзАнинг шарҳи, ё Интернет хабари босилади. Шарҳнинг ўзига эътироз йўқ, лекин битта шарҳ бир кунда бир неча газетада босилиши мантиққа тўғри келмайди. Қанийди, ҳар бир газетанинг халқаро муаммоларни шарҳлайдиган ўз шарҳловчиси ҳам бўлса?! Шунда фикр баён қилишда, муносабат билдиришда, халқаро воқеаларни шарҳлашда эркинлик ва ранг-баранглик таъминланган бўларди.

Яна бир мулоҳаза: Ўзбекистон мустақил ташқи сиёсат юритаётган давлат ҳамда жаҳон ҳамжамиятининг фаол аъзоси сифатида дунёнинг сиёсат оламида ўзининг муносиб ўрнига ва дадил, журъатли, қатъиятли овозига эга мамлакат шундай экан, халқаро ҳаётни ёритадиган ўзининг алоҳида нашрига, айтайлик, журналига эга бўлса нур устига нур бўларди.

**Иброҳим НОРМАТОВ,**
**сиёсий шарҳловчи**

XORIJDA

● ТАФСИЛОТ

# Ироқда нима гап?

БУ ҲАҚДА ЖАҲОН АХБОРОТ АГЕНТЛИКЛАРИ ХАБАР ҚИЛАДИ

**Reuters**. Якшанба куни Ироқ шимолидаги ҳарбий лагерда сақланаётган асирлардан 200 нафари озодликка чиқарилди. Уларнинг кўпчилиги уруш бошланишидан аввал армияга чақирилганлар ва кўнгиллилардир.

**The New York Times**. Пентагон узоқ йиллар мамлакатдан ташқарида муҳожирликда яшаган ироқликлардан бир гуруҳини ўз ватанига жўнатди. Улар муваққат ҳукумат таркибида фаолият юритадилар. Негаки, улар раҳбарлик салоҳиятига эга шахслардир. Уларнинг кўпчилиги 70-80 йилларда Ироқнинг давлат тизимларида меҳнат қилишган. Сўнг вазият тақозосига кўра мамлакатдан бош олиб чиқиб кетишга мажбур бўлишган.

Муваққат ҳукумат май охирларидан иш бошлайди.

**Associated Press**. Америка ва Ироқ мутахассислари Бағдоддаги сув ва электр таъминотини 60 фоиз қайта тиклашга эришдилар. Яна бир-икки ҳафтадан кейин бу ишлар тўлиқ бажарилади. Бу Ироқ ишчиларининг ўз иш жойларига тезроқ қайтиши билан боғлиқ, деди бригада генерали Стив Хоукинс.

**CNN.** Саддам Ҳусайннинг энг яқин одамларидан бўлмиш Ироқ ҳукуматининг собиқ раҳбарларидан бири Тариқ Азиз ихтиёрий равишда таслим бўлди. Унинг номи қидирилаётганлар рўйхатида 43-ўринда қайд этилган. Шунингдек, Ироқ разведкасининг собиқ раҳбари Фарух Хижази Ироқнинг Сурияга яқин чегарасида қўлга олинган. У 90-йилларда Ироқнинг ташқи разведкасини бошқарган. Сўнг Тунисда ва Туркияда элчи бўлиб ишлаган.

Куни кеча БМТ инспекторлари билан алоқалар мониторинги директори, генерал Хоссам Муҳаммад Амин ҳам ушланди. У рўйхатнинг 49-ўринда қайд этилган. Шундай қилиб қўлга олинган Ироқнинг собиқ раҳбарлари сони 13 тага етди. Дарвоқе, собиқ Саддам Ҳусайн тузумининг ахборот вазири Муҳаммад Саид ал-Саҳаф ҳам ўзини коалиция кучлари ихтиёрига топшириш учун воситачи қидирмоқда экан.

**Новости**. Бағдодда Ироқнинг муваққат маъмуриятини тузиш масалалари бўйича бўлиб ўтадиган халқаро конференцияда Чехия ҳам иштирок этади. Аввалроқ АҚШ маъмурияти Буюк Британия, Австралия, Польша ва Испания вакилларини конференцияда қатнашишга таклиф этган эди.

**Алимбек ТОШБЕК**
**тайёрлади**

● ШАРҲЛОВЧИ МИНБАРИ

# Муаммо ижобий ҳал этилишига умид бор

Маълумки, 23-25 апрель кунлари Пекинда Шимолий Кореянинг ядро дастури муаммолари юзасидан уч томонлама — АҚШ, КХДР ҳамда Хитой ўртасида музокаралар бўлиб ўтди. Хўш, унинг натижаси қандай бўлди? Ҳозирча кутилган даражада эмас. Бу ҳақда АҚШ мудофаа вазири Дональд Рамсфельд: «Сўнгги музокаралар негадир коптокни олдинга йўналтиришга имкон туғдирмади. Лекин АҚШ Президенти ва давлат котиби айнан шу масала устида ишлашмоқда. Умид қиламизки, муаммо дипломатик йўллар билан ижобий ҳал этилади», дея Reuters журналистларига маълум қилди.

Шуни таъкидлаш лозимки, дейилади «Новости» агентлиги ахборотида, АҚШ давлат котиби ўринбосари Жеймс Келли ва КХДР Ташқи ишлар вазирлиги Америка мамлакатлари бўлимининг департамент раҳбари ўринбосари Ли Гин билан Хитой Ташқи ишлар вазирлигининг Осиё мамлакатлари бўлими мудири Фу Ин иштирокида олиб борилган музокаралар ёпиқ эшиклар ортида бўлиб ўтди. Унинг якунида Америка оммавий ахборот воситалари шуни маълум қилдики, Шимолий Корея ўз ядро қуролига эга эканлиги АҚШ вакилига ошкор этилган. КХДР «янги таклифлар»ни ўртага ташлаган. Бироқ, бу таклифнинг мазмун ва мундарижаси ҳозирча ошкор этилмаяпти.

Эслатиб ўтамиз: Пекинда бўлиб ўтган АҚШ, КХДР ва Хитой музокаралари кейинги 50 йилдан бери, яъни 1950-53 йиллардаги Корея урушига якун ясаган музокаралардан сўнг ўтказилган биринчи учлик музокараларидир.

Музокаралар тугагач, Жеймс Келли унинг натижалари билан КХДРга қўшни давлат Жанубий Корея ҳукуматини таништириш учун Сеулда бўлди. Сўнг эса ўз делегацияси билан Токиога ташриф буюрди. Музокара натижалари билан Япония ҳукуматини таништиргач, КХДР илгари сурган таклифни кўриб чиқиш зарурлиги ҳақида Жеймс Келли баёнот берди. «Бу таклифни яна бир марта ўрганиб чиқиш лозим» дейилади Киодо Цусин агентлиги ахборотида.

Япония Вазирлар Маҳкамасининг бош котиби Ясуо Фукуда ва Жеймс Келли КХДРнинг ядро дастури атрофида юзага келган кескинликни юмшатиш йўлида АҚШ, Япония, Жанубий Корея ҳамкорликда ҳаракат қилиши борасида музокаралар ўтказди. Айрим манбаларга қараганда, бу учлик Пхеньянга муносабат масаласида яна учрашув ўтказишмоқчи.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, Пекинда бўлиб ўтган музокаралар якунида Америка оммавий ахборот воситалари тарқатган КХДР ўзининг ядро қуролига эгалиги ҳақидаги фактни Шимолий Корея тан олган-олмагани ҳали номаълум. Бироқ шундай бўлса-да, Жанубий Корея бундан ранжиди. Мамлакат ташқи ишлар вазири Юн Янг Кваннинг айтишича, агар Пхеньян ҳақиқатан ҳам ядро қуролига эга бўлса, у ҳолда Жанубий Корея билан тузилган шартнома шартларини бузган ҳисобланади ва бу билан нафақат Корея ярим оролига, балки бутун Шимоли-шарқий Осиё мамлакатлари ҳаётига таҳдид солади. Шунинг учун ҳам Шимолий Кореянинг ядро дастури масаласи долзарблик нуқтаи назаридан қараганда жаҳон жамоатчилиги эътиборида турибди, у кун тартибидан ҳали тушмайди.

АҚШ вакилининг сўзларига қараганда, Американинг Пхеньянга нисбатан кейинги муносабатини аниқлаб олиш ва шунга муносиб сиёсат юритиш борасида ҳали кўп иш қилиниши лозим. Бу борада Япония ҳукумати ҳам ўз фикрини билдирди. Агар Шимолий Корея ўз ядро дастуридан воз кечса, Япония унга иқтисодий ёрдам қўлини чўзишга қарор қилди.

Оқ уй матбуот котиби Ари Флейшер эса агар музокаралар иш бермаса, АҚШ Шимолий Кореяга қарши санкция қўллаш талаби билан БМТга мурожаат этиши мумкинлигини айтди. Лекин шуни эслатиб ўтиш жоизки, БМТ томонидан санкция эълон қилиниши ҳарбий ҳаракатлар бошланиши билан баробардир, дея баҳоланишини КХДР аввалроқ эълон қилган эди. Илло нима бўлгандаям муносабатлар бу даражага етмаслиги учун нуфузли давлатлар томонидан амалий ҳаракатлар қилинмоқда. Бу ҳаракатлар эса ўз мевасини беришига ҳали умид бор.

**Алимқул СУЛТОН**



Бухарест шаҳри кўчаларида

● КИНОТАҚДИМОТ

# «Академия»

Кейинги пайтда «Ўзбектелефильм» студиясида бир қатор янги видео ва бадиий фильмлар яратилаётганлиги маънавий оламимизда катта воқеага айланмоқда.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси билан ҳамкорликда суратга олинган «Академия» видеофильми ҳам айни шу ғояларни илгари суришда хизмат қилади. Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Малик сценарийси асосида режиссёр Мурод Ражабов саҳналаштирган мазкур фильм Ички ишлар вазирлиги академияси ҳаёти ҳақида ҳикоя қилади.

Фильмда 5 нафар йигит академияга ўқишга кириб, дўстлашиб қолишади. Асар марказидаги бу садоқатли дўстларнинг тақдири орақали муаллиф ҳуқуқ ва кишилар осойишталигини таъминловчи ички ишлар ходимларининг мураккаб ўқиш ва иш жараёни ҳамда ҳаётда учрайдиган қийин вазиятлар, уларни енгиш каби масалалар хусусида фикр юритган.

«Академия» видеофильми 4 қисмдан иборат бўлиб, тез кунларда намойиш этилиб, ўз мухлисларини топишига ишонамиз.

**Зайниддин**
**МАМАДАЛИЕВ**

# фермер

**Мамлакатимизда шундай мулкдорлар тоифаси шакилланаяптики, улар жимгина, шовқин-суронсиз, иддаосиз иш юритишиб, иқтисодиётимиз ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар**



Қозон масаласи ҳам, қадр масаласи ҳам ҳал этилган. Илгари қозон ҳам, чўмич ҳам, қадр-қиммат ҳам қўлимиздамасди. Ҳатто, қабрда ҳам тинч қўймаган ҳукумат раҳбарлари халқимизнинг ёдидан ҳали-ҳамон кўтарилганича йўқ...

— Фермерчиликда ишни нимадан бошлаган эдингиз? Билиб-билмайми, ё... — гап бошлайман яна.

— Билиб бошлаганман. Биринчи йўл кўрсатиб, биринчи кўмак берган киши — Қувват Жўраев бўлди. У киши 1996 йил ширкатлар уюшмасининг раиси бўлди. Менга «МТЗ-80» русумли трактор берди. Сўнг уруғ танлашда эҳтиёт бўлишни уқтирди. Шу-шу, ишим ҳа деганда ўнгидан келаверди... Мана, етти-саккиз йилдан бери элнинг олди бўлмасам-да қаторида юрибман...

Гап уруғлик ҳақида кетганда Мадихоннинг фикрларини тўлароқ билишга уриндим:

— Уруғни танлаш ўз ихтиёрларингиздами?

— Нима десам экан, ҳар бир фермер олим эмаски, нав танлаб, чигит экса. Бир вақтлари пахтанинг «Ф-48» деган нави бўларди. Пояси жинғилни танасидай, кўсаги олтмиштагача. Ҳар чаноғида 12 тагача чигит. Бўйи ҳам одам баробар. Гектаридан 60-70 центнергача пахта берарди. Ҳозир эртапишар, ўртапишар, кечпишар деган навлар «болалаб» кетди. Олим ундан кўп, нав бундан кўп, ҳар бири ҳам ўзининг «моли»ни ўтказишга уринади. Қай бирининг «тоши оғир» бўлса ўшанинг нави тарқатилади. Аммо бу борада энди узил-кесил бир қарорга келишнинг пайти келган. Пахтанинг миқдори ҳам, сифати ҳам керак.

— Ростини айтинг? Айрим фермерлар минерал ўғит, ёнилғи, кунжут ва шунга ўхшаган нарсаларни сотади, деб эшитамиз. Шу гапда жон борми?

— Сиз менга била туриб савол бериботсиз чоғи. Нега жон бўлмас экан. Шамол бўлмаса... дегандай. Бу нонкўр фермерларнинг иши. На ўзи ёлчийди, на элни ёлчитади. Ўтган йили айримлар пахта сотишга ҳам ўтишди. Ноқонуний пахта сотиш кафан сотиш билан, керак бўлса она сутини сотиш билан баробар.

— Буни ҳокимлар, орган ходимлари билмайдими?

— Нега билмаскан... Билади, уларни ушлашяпти, чора ҳам кўришаяпти. Аммо ўзига инсоф бермаса, қийин экан. Не бўлсада, ўтган йил ортда қолди. Бу йил қиш қишдай келди. Кўклам ҳам серёмғир... Йилимиз хосиятли бўлади. Ҳамма жабҳада сафарбарлик. Чеккага қинғир-қийшиқ йўллар билан нарса олиб чиқиш тақа-тақ тўхтаган. Насиб қилса кўрасиз, сирдарёликлар ҳадемай атрофдаги қўшниларига етиб олишади «Кенжа ботир» деган эртак бора. Вилоятимиз ҳам кенжа, лекин у ҳадемай катта вилоятлар қаторидан ўрнини топади. Тўғрисини айтсам, бу йил одамларнинг кайфияти баланд.

Суҳбатимиз қизигандан қизиб борарди. Озгина «перекур» қилиб олишнинг ҳам пайти етиб келганди. Шу орада мезбоннинг кутубхонасини бир кўздан кечириб қўйгим келди. Одмигина китоб жовонларида жаҳон адабиётининг дурдона асарлари қаторидан ўзимизнинг буюк адибларимизнинг сайланмалари ҳам, рисолалари ҳам ўрин олган. Гапга соламан:

— Пешво ижодкорларимиздан кимларни кўпроқ ўқийсиз?

— Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов...

— Сирдарёда ҳам «чўнг» ёзувчилар бордир? — ўзимни назарда тутиб «камтарлик» билан савол ташлайман.

— Бўлса бордир. Лекин Ҳамроқул Ризони яхши биламиз. Йигирмадан зиёд китоби чиққан. Минбарга чиқса бўлди... ёндираду. Ҳаётхон Ортиқбоевага худо ҳам хусндан берган, ҳам нутқдан...

Ёнида турган «чўнг» журналистни тилга ҳам олмагани учун унинг «давлениеси» ўрлагандек бўлди. «Бу кунингдан баттар бўл» дейдиган одам бўлса, кошки. Ҳафсалам пир бўлдию, сир бермадим. Бошқа мавзуга ўтишдан бошқа чора қолмаганди.

— Мадихон, кўриб турибман, ҳавас қилса арзигулик оилангиз бор. Бундан ўн-ўн беш йил аввалги кичикроқ хўжаликнинг мулкичалик мулкингиз, ҳамма русумдаги техникаларингиз муҳайё. Ишчи кучингиз ҳам ўз оилангиз аъзолари экан. Ҳовлингизда росмана бир фермача жонлиқ — қорамолингиз... Тўрт йўлингиз тугал. Шаҳарга тушар бўлсангиз, «Волга-31» хизматингизда. Ҳалолингиз бўлсин... қандай ниятларингиз бор?

— Айтганингиздай, ҳеч нарсадан камимиз йўқ. Ният қилиб қўйганман. Худога беадад шукрлар, ҳамду санолар бўлсин. Отам кўрмаган, боболарим орзу қилган ёруғ кунлар менга насиб қилди. Ўтган ўн-ўн икки йил ичида шу даражага эришдим. Ўтган йили пахтадан 4,4 миллион сўм соф даромад қилдим. Агар вилоятимиздаги 4500 фермернинг ҳар бири шунчадан даромад қилганда эди бунча пул билан Сирдарёни тўсса бўларди. 20 тонна ғалла ўзимизга қолди. Ярмини эҳсон қилдик. Бу — ўз инон-ихтиёримиз ўзимизда бўлгани шарофати...

Энди орзу-ҳавасга келсак, кўкайимизга тукканларимиз кўп. Боғчага, мактабга ёрдамлашиш мўлжалимиз бор. Ночор оилаларга ҳам нафимиз текса дейман. Худо омадимизни бериб, ишимиз юришса, даромад кўрсак, роҳатини эл билан баҳам кўрсак, дейман.

Ўзбекнинг фермери отангга балли, дейман ичимда. Қаранг, соддалигию бағрикенглигин. Топганини баҳам кўргиси келади. Кўзи оч эмас. Менимча, бунақаларнинг топгани баракали бўлади. Бундайлар эл-юрт назаридан қолмайди.

«Меҳнат шуҳрати» ордени ва «Шуҳрат» медали соҳиби бўлган фермер, расмий тил билан айтганда, жаноб Мадихон Тиниқбеков билан қилган суҳбатимиз анча узоқ давом этди. Қалам тутмай, қоғоз ишлатмай қаҳрамони билан соатлаб, кунлаб суҳбатлашиб, ҳамма рақам ва маълумотларни хаёлида сақлаб гўзал-гўзал очерклар ёзган журналистларни, ижодкорларни кўп кўрганман. Лекин мен Мадихоннинг оғзидан чиққан сўзларни ёзиб ола бериб, икки дафтар тўлдирдим. Ёзиш жараёнида эса бунисини ёзсам униси, унисини ёзсам буниси қолиб кетгандай бўлаверди. Мадихон ҳам ўзича ўйлаган бўлса керак, бу одам менинг ҳақимда лўлаболишдай китоб ёзади шекилли, деб. Мана, натижа...

**Тўра СУЛАЙМОН,**
**Ўзбекистон халқ шоири**

● ҒАФУР ҒУЛОМ ТАВАЛЛУДИНИНГ 100 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

# Хотиранинг туғилиши

Саратон. Қош қорайиб қолганига қарамай, куннинг тафти ҳали қайтмаган. Вақтида етиб келолмаганим учун дарвоза олдида тўхтаб қолдим. Остона ҳатлаб ичкарига киришга юрагим дов бермасди. Кўз олдимда устознинг барваста қомати, чуст дўпписининг бир каржини пешонаси ўртасига тўғрилаб кийиб, тикилиб турган ўткир нигоҳи гавдаланар, хаёлимда мени кечикканим учун мулзам қиладигандек туюларди.

Шоир хонадонига боришимдан мақсад Ҳамид Олимжон вафотининг 20 йиллигига тайёрланаётган радио эшиттиришга унинг дўсти ҳақидаги хотираларини ёзиб олиш эди.

Шундай истиҳола билан қанча туриб қолдим, билмадим. Бир маҳал дарвоза ёнига ўрнатилган чироқ «ярқ» этиб ёниши билан эшикни очиб юборибман. Ичкаридан устознинг:

— Киравер, ҳалигача Ғафурнинг уйига ҳеч ким тақиллатиб кирган эмас, — деган овози эшитилди. Буни устознинг ўзига хос, ҳазил оҳангидаги мулозамати деб фаҳмладим.

Каттакон кўркам ҳовли. Ҳамма ёққа муздек қилиб сув сепилган. Райҳон ҳидлари димоғимга урилди.

Ҳовли тўридаги улкан равон олдида сўри-каравот. Унда Ғафур ака набирасини бағрига босиб, қандайдир шеърни ўқирди.

— Келавер, — дедилар саломимга алик олиб, — ўтира қол.

Ғафур ака қучоғидаги набирасини ёнига қўйди.

— Оббо сен-ей, иссиқда чанқаган кўринасан, — деди меҳр билан устоз. — Чой берінглар...

Шоирнинг рафиқаси Муҳаррам ая тузатилган дастурхон устидаги газетани олиб, икки пиёла билан чойнак келтириб қўйди.

— Бемалол гаплашиб ўтиринг болам, — деди ая мени дастурхонга чорлаб.

Ғафур ака равон томон кетаётган Муҳаррам аянинг ортидан меҳр билан завқланиб термулиб қолди. Шу лаҳзаларда менинг хаёлимдан шоирнинг мана бу сатрлари ўтди:

**Дунё-дунё**
**гуноҳимни кечирган,**
**Сув деганда**
**менга шароб ичирган,**
**Қўлтиқ бўлиб**
**шоҳин каби учирган**
**Азизимсан,**
**жигарбандим Муҳаррам**
**Саналганда жигар**
**бағринг бўлмас кам...**

...Қоронғи тушиб бўлган, лекин ҳовли чароғон, серфайз. Енгил шабада туриб, турли-туман гулларнинг ифорини димоғимизга уфура бошлади. Бешёғоч истироҳат боғи томондан дилларни қитиқловчи куй таралди.

Бир пиёла чой устида суҳбатимиз қизигандан қизиб борар, Ғафур ака ўзини унутиб, энг азиз одамини йўқлаб фарёд чекар, кўзига ёш олиб бўзларди.

Ғафур ака режиссёрлар иборасі билан айтганда образга кириб бўлган, энди уни тўхтатишнинг иложи йўқ эди.

— Дўстим Ҳамиддан ажраганимга эрта-индин 20 йил бўлади! Бевақт нобуд бўлди.

Ғафур ака 1944 йил июнь ойи охирларида рўй берган мудҳиш воқеани эслаётган эди. Ўша йиллари Ёзувчилар уюшмасига Дўрмоннинг Арғин қишлоғидан боғ берилган, Ҳамид Олимжон ёзувчилар сардори сифатида бу ишларга бош-қош эди.

Фалокат оёқ остида дейдилар. Ўшанда боғдаги қурилиш ишларини кўриб, одамларнинг кўнглини овлаб, ишни кетишидан мамнун бўлган Ҳамид Олимжон уйига, шаҳарга қайтаётиб автомобиль ҳалокатига учраб, дунёдан кўз юмганди. Ғафур ака шуларни алам билан эсларкан, яна юлдуз тўла осмонга термулди:

— Шўрлик дўстим, сен ҳам осмонга термулиб ётибсан, аммо кўз қорачиғингда кўк акс этмайди... Набираларинг йиғисидан жонинг эркаланмайди, уларнинг бахти, истиқболи ҳақида муҳокама қила олмайсан. Йигирма йилдирки, мудҳиш бир тасодиф сени бу жаҳоний ҳузур-ҳаловатлардан бир умрга маҳрум қилди...

Ғафур ака ўрнидан туриб кетди:

**Шу варақ қоғозга**
**ёшим тўкилди,**
**Номингни йўқладим,**
**ўртоқжон Ҳамид.**
**Уйингга юз тупча**
**ўрик экилди,**
**Бугун гуллаб кетди**
**сен қилган умид.**

— Энди, боравер, радиоингга эртага тушдан кейин ўтаман. Студиянгни тайёрлаб қўй, ўзим ўқиб бераман, ёзиб оласан.

Буюк Ғафур Ғуломнинг шоир дўсти ҳақидаги «Ҳамидни эслаб...» номли хотира шу зайлда туғилган эди...

**Баҳодир АБДУЛЛАЕВ,**
**Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, журналист**

● ЯНГИ КИТОБ

# Яхшилардан ёдгор




«Бир кам дунё». У нафақат китобнинг номи, балки муаллиф ва унинг қаҳрамони босиб ўтган йўллари узра сочилган армонлар, умидлар, орзуларидир. Бу китоб сизу бизга мана шулар ҳақида ҳикоя қилади. Анорбой Қуронбоев бутун ҳаётини журналистикадек оғир ва машаққатли касбга бағишлади. У «Ўзбекистон овози» газетасининг Андижон вилоятидаги мухбири сифатида халқ дардини, ташвиш ва қувончларини матбуот саҳифаларига олиб чиқди.

Адиб халқимизнинг севимли фарзандлари мустабид тузум қийноқлари ва қатағонларига учрагани ҳақида ҳужжатли қисса яратади. Унда асар қаҳрамони машҳур боғбон Масодиқ Мадиёровнинг изтироблари, суронли йиллардаги инсон қадр-қиммати, меҳнатига муносабати қай даражада эканлиги кўрсатиб берилади.

Ушбу асарни мутолаа қилар эканман озодлик қадрини яна бир марта англадим. Унинг оромбахш нурларидан баҳраманд бўлиш насиб этмаган азиз одамларнинг, азиз хотиралари кўз олдимда жонланди.

Қисматнинг қаҳрини қарангки, ёзувчи ва журналист Анорбой Қуронбоевнинг мазкур ҳужжатли қиссаси адиб ҳаётлик чоғида нашр этилмади. Бу орада асар қаҳрамони, машҳур соҳибкор Масодиқ Мадиёров ҳам оламдан ўтди.

Эндиликда бу китоб ёзувчи ва боғбондан уларнинг ўқувчиларига ёдгорлик бўлиб қолди.

Бири кам дунё деганлари шу бўлса керак. Яхшилардан ёдгор бу мўъжазгина китобча ўз мухлисларини топишига ишонамиз.

**Фарруҳ ҲАМИДУЛЛО ўғли**

● СПОРТ

# «Сурхон»нинг бир хил ғалабалари

Ўтган шанбада футбол бўйича олий лига жамоалари ўртасида олтинчи тур учрашувлари ўтказилди. Турнинг марказий ўйини сифатида эътироф этилган «Дўстлик» — «Навбаҳор» баҳсида наманганликлар мавсумнинг биринчи мағлубияти аламини тортишди. Узоқ танаффусдан сўнг, яшил майдонга қайтган Олег Щацких («Дўстлик») учрашув тақдирини ҳал қилувчи тўпни киритди.

Мавсумни муваффақиятсиз бошлаган «Қўқон-1912» ушбу турда ўз мухлисларини хурсанд қилди. Олий лига дебютанти — «Гулистон» жамоаси ўз майдонида қўқонликларга ютқазиб қўйди — 0:1.

Термизда «Сурхон» футболчилари «Самарқанд-Д»ни енгди — 2:1. Бу термизликларнинг мавсумдаги учинчи ғалабасидир. Эътиборлиси, «Сурхон» олдинги турларда ҳам «Бухоро», «Қўқон-1912» жамоалари устидан бир хил — 2:1 ҳисобида зафар қучганди.

Турнинг бошқа ўйинларида қуйидаги натижалар қайд этилди: «Машъал» — «Насаф» — 0:0, «Металлург» — «Бухоро» — 3:1, «Қизилқум» — «Андижон» — 1:0, «Цементчи» — «Нефтчи» — 0:1.

Навбатдаги учрашувлар 7 май куни бўлиб ўтади.

# Кучлилар Туркияга боради

Пойтахтимиздаги Республика олимпия ўринбосарлари коллежида эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўсмирлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Сурхондарё, Жиззахдан бошқа барча вилоятлардан келган тўрт юз нафардан зиёд ёш курашчи ғолиблик учун беллашди.

Қизғин ва муросасиз ўтган эркин кураш баҳсларида Озод Жуманиёзов (42 кг.), Дилшод Назарбоев (46 кг.), Анвар Домлажонов (50 кг.), Бахтиёр Иброҳимов (54 кг.), Уайс Телегенов (58 кг.), Абдурауф Бозорбоев (63 кг. барчаси Тошкентдан), Дилшод Ражабов (69 кг. Самарқанд), Анвар Абдуалимов (76 кг.), Озод Ешетаев (85 кг.), Камол Адизов (100 кг.), Овик Сетян (120 кг. ҳаммаси Тошкентдан)ларга тенг келадиган топилмади. Энди улар июль ойида ўтадиган Осиё чемпионатида юртимиз шарафини ҳимоя қилишади.

Юнон-рум кураши беллашувлари янада қизиқарли ва шиддатли кечди. Чунки, мутахассислар августда Туркияда ўсмирлар ўртасида бўладиган жаҳон чемпионатига борадиганларни айнан шу мусобақа қатнашчилари орасидан саралаб олишини яширишмаганди. Шу боис, беллашувларда Элдор Ҳафизов (42 кг., Тошкент), Элшод Рафутдинов (46 кг., Фарғона), Ойбек Мирзаолимов (50 кг., Тошкент), Жаҳонгир Мўминов (54 кг., Бухоро), Мансур Мамажонов (58 кг., Андижон), Илҳом Идиев (63 кг., Бухоро), Рашид Туримов (69 кг.), Ҳожираҳим Темиров (76 кг.), Суҳбат Ҳожиев (85 кг., учаласи ҳам Тошкентдан), Умар Юнусов (100 кг. Самарқанд)лар бўлишди.

**Эркин ХОЛБОБО**

# Ҳазораспда Беҳзод издошлари



Ҳазораспда уч йил муқаддам ташкил қилинган «Мусаввир» ижод масканида рассомчиликка ҳавасманд ёшлар миниатюра йўналиши бўйича ҳам сабоқ олишади, ҳам мустақил ижод билан шуғулланишади.

Керакли анжомлар топиш, моддий ва маънавий рағбатлантириш туман ҳокимлигининг доимий диққат-эътиборида.

Ижод масканида ёшларга таниқли мўйқалам устаси Қуронбой Матмуратов устозлик қилмоқда. Айни пайтда тумандаги касб-ҳунар коллежида шу соҳа бўйича махсус курс ҳам очилган. Бу ерда тўққиз нафар иқтидорли ёш миниатюра сирларини ўрганишаётир.

Камолиддин Беҳзоднинг ҳазорасплик ёш издошлари илк муваффақиятларга эришди ҳам. Умарбек Ражабов Чехиядаги халқаро ёшлар кўргазмасида олтин ва Ҳиндистондаги кўргазмада кумуш медал соҳиби бўлган бўлса, Мўътабар Рўзметова ўтган йили Зулфия мукофоти соҳибаси бўлди.

Бону Матёқубова, Фурқат Исмоилов каби энг ёш мусаввирларнинг илк машқлари ҳам умид уйғотади.

Ёш мусаввирлар асосан қадим миниатюра ранг-тасвири йўналишида ижод қилишади. Уларнинг илк машқлари сопол идишларга, ёғоч кескиларига ва томошақовоқларга чизилиб, аллақачон ўз мухлисларини топган.

Ҳозирда буюк Беҳзод шогирдлари мамлакат мустақиллигининг ўн икки йиллигига бағишлаб шу йилнинг 1-15 июнь кунлари пойтахтда махсус ташкил қилинадиган «Ҳазораспнома» бадиий кўргазмасида иштирок этиш учун ҳозирлик кўришмоқда.

**Рўзимбой ҲАСАН,**
**«Ўзбекистон овози» мухбири**

**Суратда:** кўҳна диёрда ягона ҳисобланмиш ёш мусаввирлар масканининг раҳбари Қуронбой Матмуратов.


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ФИЛИАЛИ АУКЦИОН САВДОСИГА ТАКЛИФ ЭТАДИ!

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**2003 йил 29 май куни Навоий шаҳрида соат 14.30 да Давлат мулки қўмитасининг Навоий вилояти ҳудудий бошқармаси мажлислар залида бўлиб ўтадиган аукцион савдосига қуйидаги мулклар қўйилади:**

**1.** Марказий кон бошқармаси 9-автосаройига қарашли автоуловлар:
● 1994 йил и.ч., УАЗ-315201 русумли, д.р. 21АС 539 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 280430 сўм.**
● 1987 йил и.ч., КрАЗ-256Б-1 русумли, д.р. 21AF 412 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 614580 сўм.**
● 1988 йил и.ч., ИЖ-2715011 русумли, д.р. 21AF 557 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 151700 сўм.**
● 1968 йил и.ч., ЗИЛ-130 русумли, д.р. 21 AF 349 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 487200 сўм.**
● 1989 йил и.ч., УАЗ-3303 русумли, д.р. 71-18 НВМ автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 280400 сўм.**
● 1985 йил и.ч., КрАЗ-256Б-1 русумли, д.р. 21 AF 085 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 565000 сўм.**

**2.** Зарафшон қурилиш бошқармаси 4-автосаройига қарашли автоуловлар.
● 1993 йил и.ч., М-21412 русумли, д.р. 21 АС 037 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 151700 сўм.**
● 1990 йил и.ч., РАФ-22031 русумли, д.р. 42-12 НВН автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 547100 сўм.**
● 1993 йил и.ч., ВАЗ-2107 русумли, д.р. 21 АС 031 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 455000 сўм.**
● 1987 йил и.ч., ЗИЛ-ММЗ-4502 русумли, д.р. 06-35 НВН автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 487200 сўм.**
● 1989 йил и.ч., УАЗ-3303 русумли, д.р. 21АА 872 автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 270400 сўм.**
● 1985 йил и.ч., ГАЗ-52 русумли, д.р. 95-67 НВМ автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 274900 сўм.**

**3.** Карантин ва ўта хавфли касалликлардан муҳофаза қилиш маркази Зарафшон бўлимига қарашли автоуловлар.
● 1989 йил и.ч., ГАЗ-5312 русумли, д.р. 09-29 НВН автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 227100 сўм.**
● 1985 йил и.ч., М-2140 русумли, д.р. 21-61 НВА автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 180680 сўм.**
● 1978 йил и.ч., ЗИЛ-130 русумли, д.р. 16-09 НВА автомашинаси. **Бошланғич баҳоси — 487200 сўм.**

(Изоҳ: Савдога қўйилган автомашиналар техник нособ ҳолатда).

**4.** Зарафшон Марказий кон бошқармасига қарашли Зарафшон савдо марказида жойлашган омборхона (30,0 кв.м.) биноси. **Бошланғич баҳоси — 280000 сўм.**

**5.** Қизилтепа тумани, Навоий ширкат хўжалиги ҳудудидан уй-жой қуриш учун 10 дона ҳар бири 600 кв.м.дан ер майдонлари фойдаланиш ҳуқуқи. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 14000 сўмдан.**

**6.** Навоий тумани, Нарпай жамоа хўжалиги ҳудудидан уй-жой қуриш учун 100 дона, ҳар бири 400 кв.м.дан ер майдонлари фойдаланиш ҳуқуқи. **Ҳар бирининг бошланғич баҳоси — 20000 сўмдан.**

**7.** Навоий тумани, Қ.Раҳимов ширкат хўжалиги 9-бригадасида жойлашган, жисмоний шахсга тегишли 6 хонали ҳовли жой. **Бошланғич баҳоси — 1250000 сўм.**

**8.** Хатирчи тумани, А.Пўлатов ширкат хўжалиги, Туркман қишлоғида жойлашган жисмоний шахсга тегишли 4 хонали ҳовли жой (1200 кв.м.). **Бошланғич баҳоси — 1700000 сўм.**

Савдога қатнашиш учун харидорлар объект бошланғич баҳосининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлаши шарт. Кўчмас мулклар, автомототранспорт воситалари ва бошқа мулклар бўйича аризалар қабул қилиш савдо бошланишидан 1 соат олдин тўхтатилади. Ер майдонларига аризалар қабул қилиш савдодан 3 (уч) кун олдин тўхтатилади.

Ушбу объектларга қизиқиши бор ишбилармон ва тадбиркор юртдошларимиз, юридик ва жисмоний шахслар, хорижлик сармоядорлар республика Кўчмас мулк биржасининг Навоий вилоят филиалига мурожаат қилишлари мумкин.

**Қўшимча маълумотлар олиш учун манзил: Навоий шаҳри, Парда Очилов кўчаси, 24-уй. Телефонлар: (436) 224-15-61, 224-64-31.**


«Юлдуз» акциядорлик жамияти жамоаси жамоа раҳбари Шухрат Исламович Акрамовга акаси
**Зафар Исламович АКРАМОВ**нинг
бевақт вафот этганлиги муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

# Ҳикматли сўзлар маъноси

## Гапни оз сўзла, ишни кўп кўзла

Қуруқ гап гапиргандан кўра амалий иш қилиш зарурлигини, бу эса кишига фойдадан холи эмаслигини уқтирувчи бу сингари мақоллар кўп: «Тилинг сўзда бўлса ҳам, қўлинг ишда бўлсин», «Тилинг сўзласин, қўлинг ишласин», «Қўл билан қилар ишни тил билан қилиб бўлмас», «Гап кўп жойда иш оз бўлур», «Кўп гапиргандан кўп иш кутма», «Гап билан шошма, иш билан шош», «Гап билан мақтанма, иш билан мақтан», «Сўз тўйғизмайди, иш тўйғизади», «Тилинг билан дов кўтаргунча, ишинг билан донг кўтар», «Гап билан ваъда берма, иш билан далда бер», «Ҳар кунги ваъзхонликдан — бир кун жонбозлик яхши», «Кўп гапдан оз бўлса ҳам иш яхши», «Мингта чиройли сўздан — битта хунук иш яхши».

## Гумон имондан айирар

«Гумон дўстни дўстдан ажратар», «Гумондор кўнгилдан гумон аримас», «Гумонсираган — ҳадиксирар». Маъноси: Агар киши бировдан гумонсираб қолса, унга бўлган имон-ишончини йўқотади. Шунинг учун бировдан, айниқса, ўз яқинларидан, ёр-дўстларидан бўлар-бўлмасга, бесабабдан-бесабаб гумон қилавериш яхши эмас», дейилмоқчи.


## РЕСПУБЛИКА КЎЧМАС МУЛК БИРЖАСИНИНГ ТОШКЕНТ ШАҲАР ФИЛИАЛИ

RESPUBLIKA KO'CHMAS MULK BIRJASI

**2003 йил 2, 16, 23 май кунлари кимошди савдоларини ўтказади.**

*Кимошди савдоларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш миллий маркази ҳисобидаги бошланғич нархи — 990 286 сўм бўлган ULV3L31BDVA015279 рақамли «Нексия» русумли автомобиль кузови қўйилади.*

*Кимошди савдоларида қатнашиш учун аризалар савдодан бир соат аввал тўхтатилади.*

*Савдоларда қатнашиш учун объект бошланғич нархидан 10% миқдорида заклад пули тўланади.*

**Савдо ўтказиладиган манзил:** *Тошкент ш., Мирободтумани, Мовароуннаҳр. 16-А.*

***Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Қодирий кўчаси, 13-уй. Телефонлар: 144-44-73, 144-71-78.***


## СООБЩЕНИЕ О СУЩЕСТВЕННОМ ФАКТЕ АО «ОЛМАЛИК НОН»

**Порядковый номер сообщения — 04. Полное наименование Акционерного Общества: Открытое акционерное общество «Олмалик нон».**

**Место нахождения общества:** г.Алмалык, микрорайон 6/5

**Дата проведения общего собрания:** 12 апреля 2003 год

**Форма проведения:** очная

**Место проведения:** г.Алмалык, микрорайон 6/5, Администрация управления.

**Кворум общего собрания:** 154478 шт. голосующих акци: 86,63% голосов

**Вопросы, поставленные на голосование, итоги голосования и принятые решения по ним:**

**1.** Рассмотрение мероприятий по реализации Указа Президента Республики Узбекистан №92-3202 от 24.01.2003 года «О мерах по координальному увеличению доли и значении частного сектора экономики Узбекистана».

**Итоги голосования:** «за» — 154478 шт., «против» — 0, «воздержалось» — 0.

**Принятое решение:** Поручить наблюдательному совету подготовить все документы для реорганизации АО «Олмалик нон» в Общество с Ограниченной Ответственностью.

**2.** Утверждение годового отчета Общества по итогам деятельности 2002 года и перспектива на 2003 год, бухгалтерского баланса, счета прибылей и убытков, распределение прибыли и о договоре найма с председателем правления на 2003 год.

**Итоги голосования:** «за» — 154478 шт., «против» — 0, «воздержалось» — 0.

**Принятое решение:** Утвердить годовой отчет Общества по итогам деятельности в 2002 году и перспективам на 2003 год, бухгалтерский баланс, счета прибылей и убытков, распределение прибыли и заключить договор, найма с действующим председателем правления на 2003 год.

**3.** Утверждение заключения ревизионной комиссии о деятельности Общества в 2002 году.

**Итоги голосования:** «за» — 154478 шт., «против» — 0, «воздержалось» — 0.

**Принятое решение:** Утвердить заключения ревизионной комиссии о деятельности Общества на 2002 год.

**4.** Утверждение заключения аудитора аудиторской фирмы ООО «Дунё-аудит» по достоверности финансового счета Общества за 2002 год.

**Итоги голосования:** «за» — 154478 шт., «против» — 0, «воздержалось» — 0.

**Принятое решение:** Утвердить заключение аудитора о подтверждении достоверности финансовой отчености за 2002 год.

**5.** Перевыборы наблюдательного совета.

**Итоги голосования:** «за» — 154478 шт., «против» — 0, «воздержалось» — 0.

**Принятое решение:** Провести перевыборы наблюдательного совета путем прямого голосования по всему списку.

**6.** Утверждение размеров дивидентов за 2002 год.

**Итоги голосования:** «за» — 154478 шт., «против» — 0, «воздержалось» — 0.

**Принятое решение:** Утвердить размер дивидентов выплачиваемого на простую акцию по результатам Общества за 2002 год, порядок выплаты дивидентов.

**Порядковый номер сообщения — 05**

Изменения в персональном составе должностных лиц.

Орган управления эмитента, в котором произошли изменения наблюдательного совета.

**Члены наблюдательного совета, полномочия которых прекращены:** Хайдаров Р.

**Избраны члены наблюдательного Совета:** Ортиков Ш.О.

**Дата, в которой произошли изменения:** 12.04.2003 год.

**Уполномоченный орган эмитента принявший решение являющееся основанием указанных изменений дата его принятия:** годовое общее собрание.


BOSH MUHARRIR
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Norbobo SHAKAROV (Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV (Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV (Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi
Ma`murjon QIYOMOV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar
Ikromjon ISMOILOV
Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O`zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo`mitasida 00004-raqam bilan ro`yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.



«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.



Г — 328
12370 nusxada bosildi
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi — 21.00.
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA